

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЕШАБОЕВА ЗИЁДАХОН ҚОДИРОВНА**

**«БОБУРНОМА»НИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИДАГИ  
ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017 йил**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Тешабоева Зиёдахон Қодировна**

«Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар  
ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари..... 3

**Тешабоева Зиёдахон Кадыровна**

Переводы фразеологических единиц в произведении «Бабурнаме» на  
английский язык и их национально-культурные особенности..... 21

**Teshaboyeva Ziyodakhon Qodirovna**

Translations of Phraseological Units in the Work «Boburnoma» and Their  
National and Cultural Peculiarities ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЕШАБОЕВА ЗИЁДАХОН ҚОДИРОВНА**

**«БОБУРНОМА»НИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИДАГИ  
ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017 йил**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fil.79 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) веб-саҳифанинг [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Боқиева Гуландом Ҳисамовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Сафаров Шаҳриёр Сафарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Холманова Зулхумор Турдиевна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 йил соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунини тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Маннонов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.Ш. Омонов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

**А.С.Лиходзиевский**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** «Бобурнома» жаҳон адабиётининг XV – XVI асрлардаги Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон халқлари тарихини ўрганишда дунё олимларига таянч манба сифатида хизмат қилган. Асар ўзидаги фактик материалларнинг кўплиги ва ранг-баранглиги, тарихий қиммати билан қатор жаҳон олимларининг эътиборини тортган, унда минтақа халқлари ўртасидаги савдо-сотик, ижтимоий-маиший ва маданий-маърифий алоқалар акс этган. Шарқ халқларининг урф-одатлари, тарихий шахслар ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзи, миллий-маданий қадриятлар ҳақида қимматли маълумотлар берадиган қомусий манба деб қаралган. Жаҳон таржимашунослигида оригинал, услубан етук ва автобиографик адабий манба, адабий-тарихий мерос намунасидир. Асар дунё адабиётшунослиги ва тилшунослигида манба сифатида ўрганилган бўлса, бугунги кунда бадиий ёдгорликнинг таржималари тадрижиёти ва таржималари талқини чуқур ўрганилмоқда. Жаҳон халқларининг хазиначиларидан бири бўлган миллий-маданий қадриятлар, урф-одатларни акс эттирган фразеологик бирлик, мақол, матал ва афоризмлар таржимасининг аслиятга монандлигини тадқиқ этиш, аслига тўғри эканлигини исботлаш муҳим масалалардан биридир.

Бугунги кунда жаҳон таржимашунослигида мумтоз адабиётлар таржимасини қайта яратиш, фразеологик бирлик, мақол, матал ва афоризмларнинг миллий-маданий хусусиятларини бадиий таржимада акс эттириш муаммолари ва таржима адекватлигига эришиш, таржиманинг замонавий ёндашувлари асосида когнитив-концептуал, структур-семантик, компонент таҳлиллари сингари устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида, мамлакатимизда аждоқлар меросини асраб авайлаш, миллий ўзлиқни қайта тиклаш ва бадиий ёдгорликларни янгича нуқтаи назар билан ўрганиш жиддий тус олди. Ўзбек олимларининг кўплаб илмий тадқиқотлари натижасида қўлланма ва монографиялар, илмий нашрлар сони ортиб борди. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегияси»нинг «Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш» ва «Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш» тўғрисидаги ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, миллий ифтихор, ватанга садоқат ҳиссини шакллантириш айни пайтдаги давр талабидир<sup>1</sup>. Адабий-тарихий манбаларни ўрганиш, миллатнинг ўзига хос миллий-маданий қадриятларни таржимада адекват тарзда акс эттириш янада долзарб.

Мазкур диссертация натижалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги 292-сон қарори ижросини таъминлаш

---

<sup>1</sup> Мирзияев Ш.М. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони/ Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. № 28.

мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017-2021 йилларда ва мавзуга оид бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда «Бобурнома»нинг таржималарини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар асосан адабий-тарихий ва лингвистик йўналишда бажарилганлигини кўриш мумкин.

Адабий-тарихий йўналишда Ҳ.Қудратуллаев, С.Ҳасанов, Н.Отажонов, Д.Ҳошимова ўзбек ва чет эл адабиёти тарихи кўламидаги тадқиқотларни амалга оширган бўлсалар, Абдурауф Фитрат, Ҳ.Ёқубов, Я.Ғуломов, В.Зоҳидов, Ҳ.Султонов, И.Султонов, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, Ф.Сулаймонова, Н.Маллаев, Х.Назарова, П.Қодиров, С.Жамолов, Б.Валихўжаев, Р.Набиев, А.Абдуғафуров, Б.Қосимов, Н.Комилов, Ж.Шарипов, М.Холбеков, Б.Маматов, Ғ.Хўжаев, Р.Воҳидов сингари олимлар асарга тарихий, адабий, географик, таржимавий манба сифатида ёндашиб, эътиборни бадиий-эстетик қийматига қаратишган, аммо, ушбу бадиий ёдгорликнинг лингвистик жиҳатлари махсус ўрганилмаган.<sup>2</sup>

С.Азимжонова, А.Иброҳимов, С.Шукруллаева, Ф.Салимова, З.Холманова, Л.Хўжаева, Н.Жиянова, М.Собиров, Р.Каримов, Н.Ўрмонова қиёсланаётган икки тил (инглиз, ҳинд ёки француз) воситаларининг кўпроқ луғавий мувофиқликларидан келиб чиқиб, тадқиқот олиб борганлар. Аммо уларнинг илмий тадқиқотларида фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятини махсус қиёсий тадқиқ этиш вазифаси қўйилмаган.<sup>3</sup>

---

<sup>2</sup> Художественный перевод и научное комментирование (на материале переводов «Бабур-наме»). – Т., 1972; Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон адабий жараёнида: қиёсий-типологик таҳлил. – Т., 1998; Қудратуллаев Ҳ. «Бобурнома»нинг тарихий адабий ва услубий таҳлили. Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифий ижодининг қиёсий таҳлили асосида. Филол. фан. д-ри ... дисс. – Т., 1998; «Бобурнома» ва тарих. // Тафаккур: 2001. № 6; Ҳошимова Д.М. «Бобурнома» асарининг танқидий матнини яратиш муаммолари («Бобурнома» танқидий матнининг япон нашрлари мисолида). Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2006; Қудратуллаев Ҳ. Бобур армони. – Т.: Шарқ, 2009. 383 б.

<sup>3</sup> Азимжонова С.А. Ферганский удел Омара-Шейха и Бабура (в XV и начале XVI вв). Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1949; Азимжонова С.А. Государство Бабура в Кабуле и Индии: Дисс. ... докт. филол. наук. – Т., 1969; Ходжаева Л. Проблемы перевода: Характер, стиль и интерпретация текста «Бабурнаме». Дисс. ... канд. фил. наук. – Т., 1986; Шукруллаева С. Воссоздание художественного своеобразия «Бабурнаме» в его английских переводах. Дисс. ... канд. фил. наук. – Т., 1989; Иброҳимов А. Бобурийлар мероси. – Т., 1993; Салимова Ф. Лексикографические и текстологические характеристики «Восточно-тюркского словаря» Паве де Куртейля и переводов «Бабурнаме». Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1997; Жиянова Н. «Бобурнома»даги

«Бобурнома» чет эл олимлари томонидан жиддий ўрганилган бўлиб, Европа шарқшуносларининг диққатини XVIII аср ўрталаридан буён жалб этиб келмоқда. «Бобурнома»ни Д.Витсен, Ж.Лейден, В.Эрскин, Р.Калдекот, С.Пуул, Э.Холден, М.Элфинстон, Жан-Пол Ру, Жан Луи Бакэ-Граммон, Г.Эллиот, В.Х.Мореланд, Паве де Куртейл, Ф.Г.Талбот, А.Денисон Росс, А.С.Бевериж, Ҳ.Бевериж, Ҳ.Лэмб, А.Шиммел, М.В. Кўпрулизода каби йирик ғарб шарқшунослари, Н.И.Илминский, Н.Н.Пантусов, В.В.Вяткин, Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд, А.Н.Самойлович, М.Салье, А.А.Семёнов, А.Ю.Якубовский, И.В.Стеблева каби рус олимлари; Аҳмад Али Кўҳзод, Абдулхай Ҳабибий, Гулчин Маъоний сингари афғон ва ҳинд олимларидан: Зокир Ҳусайн, Нурул Ҳасан, Муни Лаъл, С.А.Шарми, Р.П.Трипатхи, П.Саран, Канунга, Муҳиббул Ҳасан тадқиқ қилишган.

«Бобурнома» асари мамлакатимиз ва чет эл олимлари томонидан қанчалик кўп ўрганилганлигига қарамай, ундаги фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида танланиб, уларнинг инглизча таржималарининг муқобиллари қиёсланмаган. Фразеологик иборалар, мақол ва маталларнинг компонент, семантик, когнитив-концептуал кўрсаткичлари «Бобурнома» асарининг учта инглизча Ж.Лейден–В.Эрскин (1826), С.Бевериж (1921), В.Текстон (1996)нинг таржималари мисолида тадқиқ этилмаган ва муқобиллари илмий нуқтаи назардан кузатилиб, таҳлил қилинмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Таржима муаммолари» илмий мавзусининг таркибий қисми бўлиб, таржима назарияси ва амалиёти факультетининг илмий режаларига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятларини семантик, компонент, когнитив-концептуал таҳлиллар орқали очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

«Бобурнома»да ва унинг инглизча Жон Лейден–Вильям Эрскин (1826), Анетта Сусанна Бевериж (1921) ва Вильер Текстон (1996)нинг инглизча таржималарида фразеологик бирликларнинг фарқи ва ўхшашликларини аниқлаш ҳамда муқобилларини тавсия қилиш;

---

нумеративларнинг маъно хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2000; Собиров М. «Бобурнома»нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари. Автореф. филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2002; Каримов Р. «Бобурнома»даги шеърлар хорижий таржималарининг қиёсий таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2003; Ўрмонова Н. Таржимада тарихий архаик лексикани акс эттириш принциплари ва таржима аниқлиги. Автореф. филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2003. Иброҳимов А.П. Бобур асарлари лексикасининг лингвостатистик, семантик ва генетик тадқиқи. («Девон», «Мубаййин», «Аруз»). Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Т., 2008; Холманова З. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи. Филол. фан. д-ри ... дисс. – Т., 2009.

«Бобурнома»даги миллий-маданий фразеологик бирлик, мақол, матал ва афоризмларнинг таржималарини чоғиштириш ва уларнинг адекватлик ҳолатларини аниқлаш;

«Бобурнома»даги фразеологик бирликларни семантик, компонент ва когнитив-концептуал таҳлил этиш;

фразеологик бирликлар таржимасида намоён бўладиган миллий-маданий хусусиятларни очиб бериш;

Бобурнома ва унинг инглизча таржима матнларида фразеологик бирликларнинг фаоллашув даражасини статистик маълумотлар асосида қиёслаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Бобурнома» ва унинг Жон Лейден–Вильям Эрскин, Анетта Сусанна Бевериж ва Вильер Текстоннинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари.

**Тадқиқотнинг усуллари** сифатида қиёсий-тарихий, когнитив-концептуал, чоғиштирама ва статистик методлар қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«Бобурнома»даги фразеологик бирлик, мақол, маталларнинг таржимасидаги фарқ ва ўхшашликлар аниқланган ҳамда аслият мазмунини акс эттирувчи муқобиллари ишлаб чиқилган;

фразеологик бирликлар таржимасининг қиёсий таҳлиллари асосида тасвирий ва функционал эквивалентлик ҳолати таъминланган ҳамда таржима таклифлари ҳавола этилган;

инглизча таржималарда семантик, компонент, когнитив-концептуал қиёсий таҳлиллар амалга оширилган, фразеологик бирликлар концепти таснифланган, таржимонларнинг даврий ёндашувлари асослаган;

«Бобурнома»нинг табдилида миллий-маданий фразеологик бирлик ва мақол мазмунинг адекватликка эришилмаганлиги исботланган;

миллий-маданий хусусиятларнинг таржимада акс эттириш муаммолари қиёсий таҳлиллар асосида ёритиб берилган, фразеологик бирликнинг таржимада миқдор устуворлиги аниқланган ва статистикаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** таржимонлик бакалавр ва магистрлик йўналишлари талабаларининг таржималар тарихи, матн таржималари назарияси ва бадий таржима, лексикология дарсларида фразеологик бирликларни қўллаш ва таққослаш, синхрон таржималарда миллийликни тўлиқ акс эттириш, миллий-маданий хусусиятларини ёритишда, муқобил вариантларини танлаш имкониятлари яратилди ва хизмат қилиши таъминланди. Тадқиқот асосида «Бобурнома»даги фразеологик бирликлар ва паремияларнинг инглизча таржималари луғати» яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадий



манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-тарихий, компонент, контекстуал ва статистик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

«Бобурнома»даги фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш, фразеологик бирликлар таржималарини қай даражада тўлақонли яратилганлигини аниқлашга имкон беради. Аслият ва таржима тиллари фразеологизмларининг табиатини қиёсий ўрганган ҳолда, улар орасидаги мазмуний-услубий мувофиқлик ҳолатларини аниқлаш ва таржима жараёнида фразеологик бирликларни бирининг иккинчиси воситасида талқин этиш йўли ва имкониятларини белгилаш тўлақонли таржимани амалга ошириш учун замин ҳозирлайди. Таржима амалиётини тадқиқини қиёсий-услубий асосда ўрганиш натижалари ва эришилган илмий хулосалар таржимашунослик истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этади ва етук таржималар яратиш борасидаги саъи-ҳаракатларни изчил амалга оширишга имкон туғдиради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликларни қиёсий ўрганиш асосида:

«Бобурнома» асарининг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг давлат адабиёт музейида ташкил этилган «Темурийлар даври ва Бобур» мавзусидаги экспозицияни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 12.09. 2017 йил №3/1255-1822-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчи ва томошабинларга асар таржималари ва фразеологик бирлик, мақол, матал ва афоризмларнинг эквивалентлари ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлиш имкониятини яратган;

«Бобурнома»даги фразеологик бирликлар ва паремияларнинг инглизча таржималари ва диссертация материалларидан Бобур номли халқаро жамоат фонди фаолиятида ҳамда «Бобур энциклопедияси» китобининг тўлдирилган нашрида фойдаланилган (Бобур номли халқаро жамоат фондининг 08.2017 йил №147/14-сон маълумотномаси). Аждодларимиз меросини халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш ва чуқур ўрганишда, фразеологик бирликлар, мақол, маталларнинг инглизча таржималари бобуршунослар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

табдил, интерпретация ва таржима трансформациялар тўғрисидаги натижалар ОТ-А1-53 рақамли «Translation in Use» дарсликларини яратиш ва нашр қилиш мавзусидаги лойиҳа доирасида «Writing translation» дарслигини яратишга татбиқ қилинган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 22 ноябрдаги ФТА-02-11/1165-сон маълумотномаси). Натижада Примқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», «Хумоюн ва Акбар» китобини инглиз тилига

таржима қилишда «Бобурнома»даги фразеологик бирликлар ва паремияларнинг инглизча таржималари луғати» муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, шундан 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг асосий ҳажми 152 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Бобурнома»нинг дунё тилларига таржималарининг илмий–назарий тадқиқи»** деб номланади. «Бобурнома» дунёнинг форс, рус, хинд, урду, голланд, инглиз, немис, француз, турк, козоқ, уйғур, хитой, япон, испан, араб, форс, озарбайжон тилларига, кўп маротаба таржима қилинган. Инглиз таржимонларининг таржималарини қиёслаганимизда уларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди. 1773 – 1856 йилларда яшаб ўтган тарихшунос таржимон Вильям Эрскин «Бобурнома»ни инглиз тилига таржима қилишга киришиб, 1810 йилда таржимани тугатган, лекин уни чоп эттиришга шошилмаган. У «Бобурнома»нинг таржимасини ўзи билан бир пайтда бошлаган Жон Лейденнинг варианты билан солиштиришни афзал кўрган, чунки Жон Лейден асарни аслиятдан ўгираётганлиги унга маълум эди<sup>4</sup>. Аммо Ж.Лейден «Бобурнома»нинг таржимасини якунига етказа олмай ҳаётдан бевақт кўз юмган. В.Эрскин «Бобурнома»нинг Жон Лейден таржима варианты билан солиштириб, уни устози хотирасига бағишлаб 1826 йилда «Memoirs of Zehir-ed-din Muhammed Baber, Emperor of Hindustan», деган ном остида чоп эттирган.

Бундан ташқари, 1909 йилга келиб, Ф.Талбот ҳам «Бобурнома»нинг инглизча таржимасини чоп эттиради. Шундан сўнг асарнинг бир қанча таржима нашрлари бажарилди. 1845 йилда Лейден–Эрскин таржимасининг қисқартирилган вариантыни Р.М.Калдикот чоп эттирган. 1879 йилда эса шарқшунос олим Ф.Талбот қисқартирилган нашрнинг иккинчи вариантыни босмадан чиқарган. Л.Кинг 1921 йилда муҳим илмий маълумотлар билан тўлдирилган «Бобурнома»нинг иккинчи таржимасини чоп эттирган. Ушбу нашрда «Бобурнома»даги узилиб қолган йиллар воқеалари бошқа манбалардан олиб тикланганлиги маълум бўлган.

Инглиз тилида «Бобурнома»нинг бир эмас, бир неча таржимаси бўла туриб, америкалик шарқшунос В.Текстоннинг янги таржимага қўл уришини бобуршунос олимлар илмий жасорат деб қарашади. Унинг асар таржимасида адекватликка эришиш мақсадидаги уринишлари анча муваффақиятли чиққан бўлса-да, баъзи фразеологик birlikлар ва мақоллар таржимасининг аслият мазмунига зид келганлигини ҳам қайд қилиб ўтиш жоиз.

«Бобурнома»нинг туркий вариантдан таржима қилган Жон Лейден ва Сусанна Беверижлар кўп мақолларни ўгира олмай, қолдириб кетганлиги ва

---

<sup>4</sup> Иброҳимов А.П. «Бобурнома» – буюк асар. – Т: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б.83.

Вильер Текстон аслиятни қайта тиклашда ҳам туркийга, ҳам форсийга мурожаат қилиб, адекват таржимага эришганини кўришимиз мумкин. Масалан, *Ўзумни ўлумга қарор бердим. Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки ракъат намоз ўқудум, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуга борибтур* [Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. 2002; 99]<sup>5</sup> жумласининг Лейден–Эрскинда тўлиқ акс этмаганини кўрамиз: ... *that I may at least perform my last ablutions.*... [Leyden John. 1826; 122]<sup>6</sup>. – ... «*ва ниҳоят охирги таҳоратимни бажардим*». ... Аслиятдаги парчани Сусанна Бевериж: – ... *its siege and its capture by Shaibani*... – ... *изидан қувиб, Шайбонийхон томонидан туттирилди* ... деб, умуман хато ўгирган. «Бобурнома»нинг форс тилидаги нусхасидан таржима қилган В.Текстонда кузатамиз: *I made my ablutions and performed two cycles of prayer. I put my head down for intimate conversation with God and was making my requests when I dozed off* [Thackston New York. 1996; 138]<sup>7</sup>. Жон Лейден–Вильям Эрскин ва Сусанна Беверижлар таржимасидан фарқли равишда, В.Текстон ўзбек, ва инглиз тиллари соҳибига тушунарли муқобилини танлагани маълум. *Икки ракъат намоз ўқидим, бошимни муножотқа қўйиб, кўзим уйқуга борибтур* жумласи Лейден–Эрскин ва Сусанна Беверижларнинг таржимасида мутлақо акс этмаган. В.Текстон *вузу қилмоқни – I made my ablutions, икки ракъат намоз ўқимоқни – performed two cycles of prayer, бошимни муножотқа қўюбни – I put my head down for intimate conversation with God – Оллоҳ билан қалбан суҳбатлашиши учун бошимни муножотқа қўйдим, тарзида акс эттирган, кўзум уйқуга борибтур эса I dozed off, яъни мудраб қолибман* мазмунида акс эттирган.

«Бобурнома» асарининг таржимасида табдил муҳим аҳамиятга эга. Табдил таржиманинг энг сўнгги босқичи, яъни асар матнининг муаллиф ёки таржимон давридаги тилдан жорий тилга таржима қилинишидир. Бунда айрим нашрга тайёрловчилар тилнинг тарихийлигини бир қадар сақлаб қолиш ҳоллари ҳам учраб туради. Табдил нашрлар кенг китобхонлар оммаси учун тушунарлилиги билан муҳим ҳисобланади. Мумтоз асарларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилига ўгирилишини ҳам табдил деб қараш мумкин<sup>8</sup>.

Масалан, *Шундайгина эшикка келган ганим ҳеч қандай зарар кўрмай қутулди. «Қопудагини қопмаса, қаригунча қайгурур»*<sup>9</sup>. *Қопуда келган ганим*нинг мазмуни *Шундайгина эшикка келган ганим* тарзида табдилда ёритилган лекин «*Қопудагини қопмаса, қаригунча қайгурур*» мақоли табдил қилинмасдан қолган, унинг мазмуни тўлиқ ёритиб берилмаган. Аслиятдаги *Қопудагини қопмаса, қаригунча қайгурур* айнан мақол бўлганлиги учун ҳам таржимон унга хос муқобилни тополмаган. Агар аслиятдаги воқеалар аниқ талқин этилса, “инсон имкони келганда омадни (имкониятни, қўлдаги бор

<sup>5</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 335 б.

<sup>6</sup> Leyden John. Memoirs of Zehir-Ed-Din Muhammed Baber: Babur Emperor of Hindustan. – London: 1826. PP. – 432.P.

<sup>7</sup> Thackston Wh. M. The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor. – New York: 1996. – PP-554.

<sup>8</sup> (<http://uz.denemetr.com/docs/768/index-493316-1.html?page=9>).

<sup>9</sup> Раҳмонов В., Муллахўжаева К. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи., 2008. – Б. 71ю

нарсани) тутиб қолмаса, қаригунча ўзини ташвишга солиб, ундан афсусланиб (надомат чекиб) юради”, деган маъно келиб чиқади.

«Бобурнома»даги фразеологик бирликлар таржималарининг қиёсий таҳлили» деб номланган иккинчи боб фразеологик бирликларнинг семантик, компонент, когнитив-концептуал таҳлиliga бағишланади. А.Э.Маматовнинг фразеологик бирлик ҳақидаги фикридан келиб чиқиб, «тузилиши жиҳатидан сўз бирикмасига ёки гапга тенг бўлган, образли, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, луғатларда қайд этилган ҳар қандай турғун лексик-семантик бирликлар фразеологик бирликлар доирасига киритилди»<sup>10</sup>.

Фразеологик бирликларнинг коммуникатив ва услубий ҳолатини ҳисобга олмасдан, аслиятдаги бирликлар таъсирида уларни таржима тили учун ғайритабиий шароитларда қўллаш, аксарият таржима тили маданияти йўл қўймайдиган бирикмаларнинг ҳосил бўлиб қолишига, баъзан эса маъно ва вазифанинг мутлақо ўзгача талқинига сабаб бўлиши мумкин.


«Бобурнома» асари фразеологик бирликларга бойлиги ҳозирги замон ўзбек адабий тили илдизлари Бобур асарларидан озуқа олаётганлигидан гувоҳлик беради. Асарда қўлланган ФБлар, ҳикматли сўзлар, мақол ва маталлар шу қадар теранки, ҳозирги кунда ҳам ўз жозибасини йўқотмай, фикр ва туйғунинг равшан ифодасидан дарак беради. Фразеологик бирликларни асарда қўллашда, албатта, муаллифнинг мақсади бўлади. Асардаги фразеологик бирлик, мақол ва маталларнинг шахс ва нарсаларга нисбатан қўлланилиши, урф-одатлар, турмуш тарзидаги миллий-маданий менталитетга боғлиқ.

Аслиятдаги фразеологик бирлик ёки оддий сўз бирикмасини таржимада тўлақонли акс эттиришда таржимонлар асарга турлича ёндашган. «Бобурнома»даги куйидаги парчани олайлик: *Ушбу тарихда душанба кун, рамазон ойининг тўртида Умар Шайх Мирзо жардин кабутар ва кабутархона билан учуб, шунқор бўлди. Ўттиз тўққуз ёшар эди* [Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. 2002; 37]. Мазкур жумладаги ажратиб ёзилган *учуб, шунқор бўлди* ФБги матн ичида Лейден–Эрскинда куйидагича таржима қилинади: *On Monday, the 4<sup>th</sup> of the month of Ramzan, of the year that has been mentioned, Omer-Sheikh Mirza was precipitated from the top of the steep, with his pigeons, and pigeon-house, and took his flight to the other world. He was then in the thirty-ninth year of his age* [Leyden John. 1826; 7]. Юқоридаги аслият С.Бевеерж таржимасида: *on Monday, Ramzan 4, (June 8th.) 'Umar Shaikh Mirza flew, with his pigeons and their house, and became a falcon* [Beveridge, Anette Susannah. 1921; 68]. В.Текстон таржимасида: *On Monday, the fourth of Ramadan of this year (June 8, 1494), Umar-Shaykh Mirza toppled into the ravine, with his doves and dovecote and gave up the ghost. He was thirty nine years old* [Thackston Wh. M. 1996; 8] деб таржима қилинган.

<sup>10</sup> Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари.– Тошкент., 1991. – Б.


Мисоллардан кўриш мумкинки, асарни инглиз тилига ўгиришда таржимонлар аслият мазмунига турлича ёндашиб, Лейден–Эрскин вариантыда *учуб – precipitated from the top of the steep*, *шунқор бўлди – took his flight to the other world* гап шаклидаги ФБ орқали таржима қилиниб, адекват таржимага эришилган. С.Бевеижнинг варианты сўзма-сўз таржима *учуб-flew*, *шунқор бўлди-became a falcon*–*лочин бўлди* тарзида берилган. В.Текстон ФБнинг трансформацион услуби орқали *учуб – toppled into the ravine – жарга қулаб тушди ва шунқор бўлди – gave up the ghost – жон таслим қилди* тарзида муқобил таржимасига эришган. Таржимадаги семантик алоқалар муаллиф назарда тутган ҳодисаларни ифодалашда тасвирий ва образли чиқишини таъминлашга хизмат қилган.

«Бобурнома»да қўлланган эмоционал, жисмоний ҳолатларни, гўзалликни, характерни ифодаловчи ФБларнинг миқдор ўсиши куйидагича акс этган:



Асарда ва унинг инглизча таржималарида қўлланилган ФБлар орасида феъл ФБлар кўпчиликти ташкил этган. «Бобурнома»да қўлланилган ФБларнинг уч турдаги инглизча таржималари тузилиши компонентларига кўра ажратилганда, уларнинг сони секинлик билан ўсиб борганлигини кўриш мумкин. Асарнинг биринчи инглизча таржимаси Лейден–Эрскинда улар 254тани ташкил этса, Сусанна Бевеижда 325тага кўтарилган, Вильер Текстонда 795тага ошиб борган. Лейден–Эрскинлар ФБни гап шаклидаги ФБни қўллаш орқали амалга оширганлар. Аслиятдаги ФБлар В.Текстоннинг таржимасида устуворлиги кузатилди.

«Бобурнома»даги ФБлар инглизчада берилишига кўра сўз бирикмаси, гап ва барқарор бирикмалар (мақол, матал ва ҳикматли сўзлар) кўринишида учрайди.



Предмет-ҳодисаларнинг онгли идрок этилиши ва тасаввурда образ ҳосил бўлиш йўли билан жамланадиган билим турлича шаклланади ва улар ҳар хил характерга эга бўлади. Бу бевосита турли гуруҳ ва тузилишдаги концептлар шаклланишига сабаб бўлади. Концептларнинг гуруҳланишида уларнинг лисоний ифодаланиш услубларига таянилади. Ш.Сафаровнинг фикрига қўшилган ҳолда, концептуал таҳлил мантикий фаолият натижаси бўлган «тушунча» ва когнитив тилшуносликда кенг миқёсда қўлланилаётган «концепт» атамаларининг бир хил мазмунда қўлланишидир.

Масалан, «Дунё» концепти ФБлари «Бобурнома»да куйидаги мазмунни ифода этади: *Дунёи бебақо* ФБ ўткинчи дунё маъносида; *беш кунлук ўтар дунё* ФБ ўткинчи ва ўта қисқа умр; *дунёи фонийни видоъ қилмоқ* ФБ ўткинчи дунёдан кетмоқ; *дунёдин чиқмоқ* (сафар қилмоқ) ўлмоқ ФБ кўпчиликнинг сафига кўшилмоқ, вафот этганлар қаторида бўлмоқ (кўпчилик қаторида) маъносида. *Дунё-олам маъносидаги* ФБ, *оламдин нақл қилмоқ-нақл-эртас*, ўлди ва тарихда эртас каби қолди-«у ҳақда бу нақл» бўлиб қолди ва унинг ҳозирда жисми йўқ, нақл сифатида онгда акс этиши; *оламдин нақл қилди* ФБ вафот этди; *олами бевафони пардуд қилмоқ* ФБ, бу дунё ҳеч кимга вафо қилган эмас, бу бевафо дунёни тарк этмоқ; *гарди фанога кетмоқ* – ўлмоқ, феъл ФБи, фано-фоний-ўткинчи; яна *фано бодига юборилмоқ* – ўлдирмоқ каби ФБлардир. Дунё концепти *олам*, *фано* сўзларининг когнитив-концептуал боғланишида кенгқамровли тушунчаларни ўз ичига олган.

*Мулозамат* концепти «Бобурнома»да ҳар хил маънода 115 марта ифодаланган. Масалан, В.Текстонда: *It crossed my mind that since the distance was slight and the khan was like my father and elder brother, if I were to patch up our past differences, it would have excellent propagandistic value. So saying, I went to pay homage to the khan in the garden built by Haydar Beg outside of Shahrukhiyya* [Thackston Wh. M. 1996; 38]. – *Миямда бир фикр айланардики,*

*Хон узоқ бўлса ҳам акам ва отам каби қондошдир, агар уларни йўқлаб бориб, ўтган кудуратларни юмшатсам (силлиқламоқ) қадрлашга лойиқ энг яхши тарғибот қилган бўламан. Шундай ўй билан Шохруҳия ташқарисидаги Ҳайдарбек қурган боққа хонни йўқлаб бордим.* Лекин «мулозамат» концептининг мазмун моҳиятини яхши англамай, аксарият ҳолларда инглизча “to pay homage” ФБининг қўлланилиши «мулозамат қилмоқ»нинг бошқа маъноларини таржимада акс эттирмаган.

Таржимонлар саъи-ҳаракатлари билан аслият мазмунини қайта тиклашга бўлган уриниш уч турга мансуб таржима услубини вужудга келтирган. Аслиятдаги ФБ таржима вариантида мутлақо акс этмаслиги ҳам мумкин эди. Лекин уч турдаги инглизча таржималарнинг ҳеч бўлмаганда бирида албатта ўз аксини топганига амин бўлдик. Шундай экан, таржимон диққат-эътиборининг аввалида турадиган когнитив ва концептуал таҳлил у учун энг муҳим омилдир. «Бобурнома»даги ФБлар таржималарининг мазмун жиҳати, аввало, таржимон тафаккурида акс топади, у ўзга миллатнинг ғоясини англаган ҳолда, ўзининг она тили захирасидан фойдаланиб, энг мувофиқ муқобилни топади, ва асарни қайта яратади. Бир сўз билан айтганда, ўз она тилида ўзга тил вакили сифатида таржима амалиётини бажаради. Миллий-маданий хусусиятларни касб этган мақоллар таржималарининг тўлиқ эмаслиги В.Текстоннинг таржимада турлича амаллардан фойдаланиши натижасидир. В.Текстон ҳикматли сўзларнинг таржималарини мумкин қадар бошқа таржимонларникидан фарқлироқ акс эттирган. Иборалар, фразеологизмлар асарда бир қарашда оддий қиёфа, тасвир ифодалаётгандай туюлса-да, улар ифода этган тушунча тамоман ўзига хос бўлган. «Бобурнома»даги ФБларнинг мазмуни уч турдаги таржимада бир хилда тўлиқ акс топмаган. Ж.Лейден–В.Эрскинлар ФБларнинг мазмунини тавсиялаш орқали таржима қиладилар. С.Бевеижнинг ишида калька усули устунроқ бўлса-да, баъзан транслитерация усули ҳам кузатилади. В.Текстон муаллифнинг чуқур зиддиятли, изтиробли фалсафий-руҳий кечинмалари таъсири остида қўлланган ФБларни, Ж.Лейден–В.Эрскин ва С.Бевеижларникига қараганда, яхшироқ очиб беради. В.Текстон идиома кўринишдаги ФБлардан кўпроқ фойдаланган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тарихий шахслар ҳаёт тарзига берган баҳо-муносабати, ачиниш, қарғаш, ўқиниш, бек ва навкарларнинг жанг майдонидаги мардонавор ҳатти-ҳаракатларига ижобий баҳо бериши, инсоний фазилатларни қадрлаш, қариндош-уруғларга бўлган ҳурмат-эҳтиром, ташқи кўриниш ва характерларини ёритиш мақсади ФБлар воситасида образли тасвирлаган. «Бобурнома»да алоҳида бир ФБ синономик қатор ҳосил қилиб, баъзан унинг йигирмадан ортиқ муқобиллари вужудга келган. Таржимонлар ҳам ушбу ФБларнинг синонимик қаторини яратганлар. Лекин туркий тил лексикасида бир ФБнинг 40дан ошиқ муқобили мавжудлигини инглиз тилида эса улар атиги ўн уч ва ўн тўрттагача етиб боришини «Бобурнома»даги



ФБлар таржималаридан кўриш мумкин. Бу эса ўзбек тили ибора, ўғитларга нақадар бой эканлигини кўрсатади.

Инглиз тилидаги ФБ, мақол ёки маталларни таржима қилишда таржимон асар мазмунига турли нуқтаи-назардан ёндашган, аслият мазмунини ўз миллий менталитетидан келиб чиқиб, тафаккурида қайта ишлаган ва таржиманинг матнини яратган. «Бобурнома»нинг адекват таржимасини яратиш мақсадида Ж.Лейден, В.Эрскин, С.Бевериж ва В.Текстонларнинг турли таржима усулларида самарали фойдаланганида кўриш мумкин. С.Бевериж ФБларни кўпроқ мазмуни, компонентига эътибор қаратса, Лейден–Эрскинлар уларни ифода этишда баъзи жараёнларни сўзма-сўз таржима қилиш услубини танлаган. В.Текстон «Бобурнома»даги ФБларнинг трансформацион кўчишини ва оғзаки нутққа яқин муқобилини танлаб, асарнинг миллий-маданий хусусиятларини ҳам сақлашга ҳаракат қилган.

**Тадқиқотнинг «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари»** деб номланган учинчи боби ФБлар таржимасининг этномаданий белгиларини аниқлашга қаратилган.

Маданият миллатнинг тилида, муомаласида, юриш-туриши, ҳаёт тарзи, кадриятларида намоён бўлгани каби, «Бобурнома»нинг матнида бошқа бирон бир асарда ифодаланмаган ФБлар, мақол, матал ва афоризмлар қўлланилган.

